

УДК: 616.33:615.276:577.95-092

ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ПОЛИПРАГМАЗИЯДА МЕЪДА ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ МОРФОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Тошмаматов Бахтиёр Норбекович, Джуманова Наргиза Эшмаматовна, Назарова Фотима Шариповна Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ ЖЕЛУДКА ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ С ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ

Тошмаматов Бахтиёр Норбекович, Джуманова Наргиза Эшмаматовна, Назарова Фотима Шариповна Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE GASTRIC MUCOSA IN POLYPRAGMASIA WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS

Toshmamatov Bakhtiyor Norbekovich, Djumanova Nargiza Eshmamatovna, Nazarova Fotima Sharipovna Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: bakhtiyor.toshmamatov72@gmail.com

Резюме. COVID-19 пандемияси даврида натижага эришиш учун, вирус юққан беморлар аҳволини яхшилаш, тана ҳароратини тушириш, нафас олишини яхшилаш, балғам кўчиришига ёрдамлашиш, суяклардаги оғриқни қолдириш ва ҳоказолар учун ҳаддан ташқари полипрагмазияга йўл қўйилди ва бунинг натижасида ўлимларнинг асосий қисми ва бугунги кунгача одамлар саломатлигидаги муаммолар, ногиронлик сабаблари ҳам дори воситаларини асосиз қўллаш оқибатидир. Дори воситаларини буюришида бир томонлама ёндашув ўлим ҳолатларининг кўпайиши ва ногиронликнинг асосий сабаблари бўлиб ҳисобланади. Полипрагмазия хавфи заиф гуруҳларда, шу жумладан диабет ва ревматик касалликлар каби илгари мавжуд бўлган касалликларга эга бўлганларда ва кекса беморларда юқори бўлади.

Калит сўзлар: полипрагмазия, морфология, ошқозон, дори воситалари, шиллиқ қават, морфометрия.

Abstract. During the COVID-19 pandemic, excessive polypharmacy was allowed to improve the condition of infected patients, reduce body temperature, improve breathing, help with sputum withdrawal, relieve bone pain, etc., the causes of disability are also the result of unjustified use of drugs. A one-sided approach to prescribing is the leading cause of mortality and disability. The risk of polypharmacy is higher in vulnerable groups, including those with pre-existing conditions such as diabetes and rheumatic diseases, as well as older patients.

Key words: polypharmacy, morphology, stomach, drugs, mucous membrane, morphometry.

Кириш. Дори воситаларининг энг кўп микдори оғиз орқали [перорал] юбориш учун мўлжалланган дозалаш шакллари, шунинг учун меъда-ичак тракти деворининг тузилишини ўрганиш тиббиётда катта амалий аҳамиятга эга. Олимларнинг фикрича, бу лаборатория ҳайвонлари ва одамларнинг овқат ҳазм қилиш тизимини солиштиришга эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қилади.

Меъда-ичак найи овқат ҳазм қилиш органларининг ўзаро жойлашиши ва таъсирининг муҳим бўғинидир. Бу қисмларнинг барчаси бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, меъда-ичак

трактдан камида битта аъзо ишининг бузилиши бутун тизимнинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Меъда-ичак трактининг таркибидаги барча аъзолар ўз функциясини бажаради ва тананинг нормал ишлаши учун хизмат қилади. Ҳазм найи ўзаро боғлиқ бўлиб, бу найининг бир қисмидаги патологик жараён қолган қисмларга таъсир кўрсатиши мумкин эмас. Бошқа ҳар қандай аъзо каби меъда ҳам бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим вазифаларни бажаради [1,3,5,7,9,11]. Овқат ҳазм қилиш найи аъзолари орасида меъданинг алоҳида мавқеи унда химуснинг алоҳида-алоҳида ўтишига ва унинг

ҳазмланишида муҳим бўғин сифатида жозибдорлигини, шунингдек озик моддаларнинг экзокрин ва эндокрин сўрилишининг секрецияси ва алмашинув ҳосилаларини таъминлайдиган кўп функционал аъзо эканлигини кайд этиш лозим.

Меъданинг структуравий ва функционал хусусиятларига кўра фарқ қилувчи асосий анатомик бўлимлари қуйидагилардир: кардиал бўлими, меъда туби ва танаси, пилорик бўлим. Меъданинг секретор функциясига келсак, шиллик қаватнинг хлорид кислота, бикарбонатлар, пепсиногенлар, гастрин, шилимшиқ ажратиш қобилятини таъкидлаш керак, аммо меъданинг турли қисмларида турлича секреция хусусиятлари мавжуд [10,11,13,16].

Ишнинг мақсади. Яллиғланишга қарши дори воситалари билан полипрагмазия шароитида меъда шиллик қавати деворининг морфологик ва морфометрик параметрлари ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

Текширув материаллари ва усулблари. Тадқиқот объекти сифатида 180 та оқ зотсиз эркак каламушлардан фойдаланилган, оғирлиги 190-230 г. ташкил этган. Тадқиқот предмети сифатида тажриба ўтказилган оқ зотсиз эркак каламушлар меъдасининг кардиал, туби, тана ва пилорик қисмларидан олинган гистологик материал хизмат қилган. Тадқиқот усуллари. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш ва мақсадларга эришиш учун экспериментал, микроскопик, гистологик, умумий морфологик, морфометрик, шунингдек, статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.


Текширув натижалари. Оқ зотсиз каламушларнинг меъдаси асосан жигар остида ётади. Меъданинг катта эгрилиги унинг ўткир каудал қирраси остидан чиқади. У чап томонда ва кичик қавсга нисбатан бир оз думли, меъда туби дорзал ва пилорик қисмга бироз краниал

жойлашган бўлади. Шундай қилиб, оқ зотсиз каламушнинг меъдаси деярли кўндаланг [сагиттал ва кўндаланг текисликлар ўртасида] жойлашган (1-расм).


Оқ зотсиз каламуш меъдасининг топографо – анатомик ва скелетоскопик маълумотлари ўрганилганда қуйида келтирилган кўрсаткичлар аниқланди. Лаборатор зотсиз оқ каламушларда меъданинг юқориги ёки устки орқа девори ўнг томондан оч ва ёнбош ичак қовузлоқларига, чапдан эса чап буйрак усти беши ва чап буйракка тегиб туради. Меъда чап буйракнинг буйрак усти беши пастки юзасининг юқоридан 2/3 қисмини ва чап буйракнинг юқори учи, яъни олд учига яқин жойлашиб уни ёпиб туради. Меъданинг чап томони юмалоқ бўлиб, у асосан диафрагма остида жойлашган бўлади, чап томондан эса талокқа теккан ҳолда жойлашади. Меъданинг ўнг томони торайиб бориб охириги қисмидан ўн икки бармоқли ичакнинг бошланиш қисмига бирикади. Меъданинг ўнг томони, унга нисбатан ташқи томонда жойлашган ўн икки бармоқли ичак яқин турса, меъданинг қолган қисми жигар вицерал юзаси остида ётади. Юқоридаги ҳолат жигар дарвозасининг ўнг чегарасигача бориб етганини билдиради.

Беш ойлик лаборатор оқ зотсиз каламушлари меъдаси тўлиқ шаклланган. Тажрибадаги беш ойлик каламушлар макроскопик ўрганилганда қуйидагича маълумотлар олинди.

Беш ойлик лаборатор ҳайвонларнинг тана вазни 190-250 г гача ўзгариб, ўртачаси эса $244,6 \pm 6,3$ г ни ташкил қилди. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар меъдасининг умумий узунлиги 33-35 мм бўлиб, ўртачаси $34,62 \pm 0,18$ мм га тенг. Аъзонинг кенлиги 13-15 ммгача ўзгариб, ўртача $13,81 \pm 0,18$ ммни ташкил этди.



Расм 1. 5 ойлик оқ зотсиз эркак каламуш қорин бўшлиғини макроанатомияси. Макропрепарат. 1-меъда, 2-жигар, 3-талок




Расм 2. Микропрепарат. 5 ойлик оқ зотсиз каламуш меъдасини микроскопик кўриниши. Бўёқ гематоксилин-эозин. 20x20 ўлчам

Тадқиқ этилаётган аъзонинг қалинлиги 12-15 ммгача ўзгариб, ўртачаси $13,69 \pm 0,32$ ммни ташкил этди. Катта эгриликнинг узунлиги 37-38 мм атрофида, ўртача $-37,43 \pm 0,10$ мм га тенг. Кичик эгрилигининг узунлиги 14 - 15 мм, ўртача $-14,65 \pm 0,10$ ммга тенг бўлди.

Соғлом оқ зотсиз каламушлар меъдаси девори таркибий компонентлари гистологик таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотлар аниқланди.

Беш ойлик даврдаги оқ зотсиз каламушлар меъда девори шиллиқ қаватининг баландлиги кизилўнгачнинг меъдага ўтиш соҳасида [кардиал қисми] 433,9 мкмдан 524,3 мкмгача бўлиб, ўртача $473,9 \pm 8,32$ мкмни; аъзонинг тубида шиллиқ қаватнинг баландлиги 442,1 мкмдан 529,3 мкмгача ўзгариб, ўртача $509,4 \pm 8,02$ мкмни ташкил этди. Меъданинг тана соҳасида ушбу қаватнинг баландлиги 448,1дан 546,8 мкмгача ташкил қилиб, ўртача $511,8 \pm 9,08$ мкмни; пилорик қисмида шиллиқ қаватнинг баландлиги 381,4 мкмдан 476,5 мкмгача бўлиб, ўртача кўрсаткичи эса $427,4 \pm 8,75$ мкмни ташкил этди (2-расм).

Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар меъда девори шиллиқ қавати кўп қаватли эпителий билан қопланган бўлиб, бундаги эпителий қавати уч қатор: - базал хужайралар; - айлана хужайралар ва овал хужайралардан ташкил топганини кўриш мумкин. Юқорида келтирилган хужайраларнинг борлиги, унча катта бўлмаган, бир-бирига зич ёпишган ва хужайра марказида ядронинг жойлашганлиги билан тавсифланади. Ўрта ва юқори қаторларда жойлашган хужайранинг таркиби овалсимон шаклда бўлиб, каттароқ ҳажмдаги хужайра ядролари эксцентрик жойлашганлигини кўриш мумкин. Бу хужайраларнинг апикал қисмида секретор хусусиятга эга бўлган гранулалар мавжуд (3-расм).



Расм 3. Микропрепарат. 5 ойлик оқ зотсиз каламуш меъдасининг микроскопик кўриниши. Бўёк гематоксилин-эозин. 10×20 ўлчам

Меъда девори кардиал қисми бурмасининг баландлиги 425,3 мкм дан 505,8 мкм гача бўлиб, ўртача $456,5 \pm 7,41$ мкмни ташкил этди. Туби соҳасида ушбу кўрсаткич 430,3-518,1 мкмгача, ўртачаси $473,0 \pm 8,08$ мкм га тенг. Меъда деворининг тана қисми бурмасининг баландлиги 438,4-538,5 мкмгача ўзгариб, ўртача $492,5 \pm 9,2$ мкмни ташкил этди. Ўн икки бармоқли ичакка ўтиш соҳасида [пилорик қисм] эса бу кўрсаткич 372,3-468,9 мкмни ташкил этиб, ўртача $418,3 \pm 8,89$ мкмга тенг.

Меъда деворининг таркибий қисмларидан бири бўлган шиллиқ қавати бурмалари орасидаги чуқурчанинг баландлиги кардиал қисмда 384,3-462,1 мкм бўлиб, унинг ўртача қиймати $411,5 \pm 7,16$ мкмни ташкил қилди. Туби соҳасида эса 388,4-471,8 мкмгача ўзгариб, ўртача $-422,1 \pm 7,67$ мкм эканлигини кўриш мумкин. Меъда деворининг тана қисми ўрганилганида, бу ўлчов кўрсаткичи $392,6-491,4$ мкмни, ўртача $448,7 \pm 9,1$ мкмга тенг бўлди. Аъзонинг пилорик қисмида эса ўрганилаётган бурмалар орасидаги чуқурчанинг баландлиги 331,2-421,8 мкмни, унинг ўртачаси эса $365,9 \pm 8,34$ мкмни ташкил қилди. Меъда деворининг шиллиқ қавати остида жойлашган шиллиқ ости асосининг аъзо кардиал соҳасидаги қалинлиги 38,6-47,3 мкмгача ўзгариб, ўртача $42,7 \pm 0,8$ мкмни ташкил этди. Аъзо тубида шиллиқ ости асосининг қалинлиги 39,4-45,8 мкмгача ўзгариб, ўртачаси эса $43,2 \pm 0,59$ мкмга тенг бўлди. Меъда деворининг тана қисмида шиллиқ ости асосининг қалинлиги 40,3-48,1 мкм, ўртача $43,6 \pm 0,72$ мкм. Аъзонинг пилорик қисмидаги бу қатламнинг қалинлиги 41,2-52,1 мкмгача ўзгариб, ўртача $46,3 \pm 1,01$ мкмга тенг бўлди.

Хулоса. Полипрагмазияда организмга ноқулай таъсир этувчи омиллардан бири сифатида қаралади, унинг алоҳида фаолиятини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бу нафақат иммун тизими аъзоларида, балки бошқа тизимлар, жумладан овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларида турғун ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар билан тажрибадаги 2 гуруҳ оқ каламушлар меъда девори таркибий қисмлари ўзаро таққосланганда, морфометрик кўрсаткичларнинг қуйидагича ўзгариши аниқланди. Меъда кардиал қисми шиллиқ қавати баландлиги 0,95% га, бурмасининг баландлиги 0,94% га, бурмалар орасидаги чуқурчани 4,11% га, шиллиқ ости асоси 2,8% га, умумий мушак қавати қалинлиги 0,17% га, без тўқимаси 5,5% га, меъда деворининг умумий қалинлиги эса 0,74% га

камайганини кўриш мумкин. Аъзонинг тубида эса бу кўрсаткичлар куйидагича ўзгарди: шиллик қавати баландлиги 2,37% га, бурмасининг баландлиги 0,89% га, бурмалар орасидаги чуқурчаси 5,92% га, шиллик ости асоси 5,78% га, умумий мушак қавати қалинлиги 1,07% га, без тўқимаси 3,9% га, меъда деворининг умумий қалинлиги эса 1,46% га камайганлиги аниқланди. Меъда танаси умумий шиллик қавати баландлиги 2,11% га, бурмасининг баландлиги 2,51% га, бурмалар орасидаги чуқурчаси 7,65% га, шиллик ости асоси 2,29% га, умумий мушак қавати қалинлиги 0,6% га, без тўқимаси 6,1% га, меъда деворининг умумий қалинлиги эса 1,52% га қадар камайганлиги кузатилди.

Адабиётлар:

1. Тошмаматов Б. Н. и др. Макроскопическое строение илеоцекальной заслонки у кроликов //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2017. – Т. 5. – №. 5. – С. 58-59.
2. Nazarova F. S., Dzhumanova N. E. Hair and wool as indicators of environmental pollution by man-made and geochemical sources //Thematics Journal of Microbiology. – 2022. – Т. 6. – №. 1.
3. Dzhumanova N. E., Nazarova F. S. Probable negative impact of genetically modified products on human health //Thematics Journal of Botany. – 2022. – Т. 6. – №. 1.
4. Sharipovna N. F. et al. Biological role of microelements and their content in epidermal formations //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2021. – Т. 8. – №. 2. – С. 1675-1687.
5. Худайбердиева Г. А., Назарова Ф. Ш., Джуманова Н. Э. Сравнительный анализ экологического состава фитонематод //Форум молодых ученых. – 2021. – №. 4. – С. 381-385.
6. Назарова Ф. Ш., Джуманова Н. Э. Использование бентонита азкамарского месторождения для балансирования минерального питания //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 9. – С. 672-679.
7. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 //Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
8. Тошмаматов Б. Н. и др. Макроскопическое строение илеоцекального отверстия у крыс и кроликов в постнатальном онтогенезе //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2018. – Т. 3. – №. 5. – С. 53-54.
9. Melitoshevich V. A., Alikulovich V. D. Main Issues of Statistical Analysis in Medical Research //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 13. – С. 129-132.
10. Хайритдинов Б. Б., Коржавов Ш. О. Особенности течения хронической сердечной недостаточности у больных с артериальной гипертонии //Сборник научных трудов I Межвузовской конференции по актуальным вопросам соматических заболеваний. – 2022. – С. 55-56.
11. Хусанов Э. У. и др. История кафедры анатомии человека самаркандского государственного медицинского университета //Clio Anatomica. – 2022. – С. 55-60.
12. Astrand B, Astrand E, Antonov K, et al. / Detection of potencial drug interactions: a model for a national pharmacy register.// Eur J Clin Pharmacol 2006 Sep;62 (9):749-56.
13. Dzhumanova N. E., Nazarova F. S. Probable negative impact of genetically modified products on human health //Thematics Journal of Botany. – 2022. – Т. 6. – №. 1.
14. Korzhavov Sh. O., Suleimanov R. I. Elements of problem-based learning in anatomy // Astana medicine journals. – 2022. – S1. – P. 291-295.
15. Nazarova F. S., Dzhumanova N. E. Hair and wool as indicators of environmental pollution by man-made and geochemical sources //Thematics Journal of Microbiology. – 2022. – Т. 6. – №. 1.
16. Oblakluovich K. S. et al. The Thymus Gland Morphological Aspects in Children //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 8. – С. 214-221.
17. Nazarova F. S., Dzhumanova N. E. Hair and wool as indicators of environmental pollution by man-made and geochemical sources //Thematics Journal of Microbiology. – 2022. – Т. 6. – №. 1.

МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ ЖЕЛУДКА ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ С ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ

Тошмаматов Б.Н., Джуманова Н.Э., Назарова Ф.Ш.

Резюме. В период пандемии COVID-19 допускалась чрезмерная полипрагмазия для улучшения состояния инфицированных больных, снижения температуры тела, улучшения дыхания, помощи при отхождении мокроты, облегчения болей в костях и т.д., причины инвалидности также являются следствием необоснованного применения лекарственных средств. Односторонний подход к назначению лекарств является основной причиной смертности и инвалидности. Риск полипрагмазии выше в уязвимых группах, в том числе у людей с уже существующими заболеваниями, такими как диабет и ревматические заболевания, а также у пожилых пациентов.

Ключевые слова: полипрагмазия, морфология, желудок, лекарственные препараты, слизистая оболочка, морфометрия.